

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2019-yil 26-sentabr, payshanba 57 (9024)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ КЕНГАШИННИНГ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлар экан, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган БМТ ҳамда унинг тузилмалари билан конструктив муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад Ал Хусайн ва БМТнинг Дин ёки этник эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг мамлакатимизга ташрифлари натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлаш, бу борадаги халқаро мулоқотни янада ривожлантиришга қаратилган "йўл хариталари" амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжат, жумладан, БМТнинг ўн та асосий шартномасига қўшилган. 2018 йил ноябрь ойида Самарқандда илк бор Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон парламенти томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва малака тўғрисидаги декларациясини амалга

ошириш бўйича миллий дастур қабул қилинган. Ушбу ҳужжат суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимини оширишни назарда тутди.

Юртимиз суд-ҳуқуқ тизимига халқаро стандартларни жорий қилиш орқали судья ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий вазифаларидан биридир.

Хусусан, янги орган – Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, судьяларни узок

муддатга тайинлаш ва суд қарорларини жамоатчиликка эълон қилиш амалиёти жорий этилди. "Хабес корпус" ва "электрон одил судлов" механизмларини қўллашни кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимизда адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш ва ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Адвокатлар палатасининг роли ортиб бораётган бўлиши алоҳидан қўриқилмоқда.

Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари юзасидан атрофича фикр алмашилди, Ўзбекистоннинг

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилигини янада такомиллаштириш жиҳатлари ва қўшма тadbирлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг махсус маърузачиси самимий қабул ҳамда ташрифи тadbирларга бой дастур асосида ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдирди.

Диего Гарсия-Саян Президентимиз ташаббуси билан давлат ва халқ ўртасида бевосита мулоқот орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш, қонунийлик ва ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш, одил судловни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолади.

БМТнинг юқори мартабали вакили Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорликни давом эттиришга ва демократик янгиликларнинг амалга оширишда ҳар томонлама қўллашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

## Диего Гарсия-Саян:

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР БҲЙИЧА ЎРГАНИШЛАРИМ НАТИЖАСИ, ХУЛОСАЛАРИМ ИЖОБИЙ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяни қабул қилди.

Қабулдан сўнг Диего Гарсия-Саян ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президент Шавкат Мирзиёев билан мулоқотимиз самарали бўлди. Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шароит яратиш, соҳа ходимлари моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш юзасидан сўнги йилларда амалга оширилган ишлар ҳақидаги ижобий хулосаларимиз бўйича фикр алмашдик. Соҳани ривожлантириш мақсадида ташкилотимиз томонидан берилган тавсиялар давлатнинг раҳбари томонидан ижобий баҳоланди.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда соҳага АКТни жорий этиш муҳим. Бу суд фаолиятини осон-


лаштиради ва шаффофликни таъминлайди. Шунингдек, жамоатчиликнинг суддаги барча қарорлардан тез ва осон фойдаланишига имкон яратади. Бир сўз билан айтганда, соҳага АКТни жорий этиш қонун устуворлиги ва ошқораликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонга ташрифим давомида Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида бўлдим. Маҳаллий аҳоли, журналистлар билан мулоқот қилдим. Ўрганишларим натижаси ўлароқ айтишим мумкинки, ташкилотимиз томонидан берилган тавсиялар давлатнинг раҳбари томонидан ижобий баҳоланди.

ЎЗА мухбири З.ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.

## Меҳнат инсонни қаҳрамонга айлантиради

Бугун олтириқлик дондор фермер, "Нурли обод" фермер хўжалиги бошлиғи Лолахан Муротова тўғрисида эшитмаган, билмаган одамлар камдан-кам топилса керак. Негаки, сунги меҳнатда қотган бу инсон меҳнатқашлиғию элпарварлиғи билан давлатимизнинг энг юксак мукофотиға муносиб кўрилди. Унга Президентимиз фармони билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилди ва олий нишон "Олтин юлдуз" медали топширилди. Бу хушxabар фақат фарғоналикларни эмас, балки республиканинг барча фермерларини қувонтиргани ҳақ гап.



Унинг ҳам йиллар давомида қанча-қанча меҳнати бу заминга сингди, қанча-қанча ақл-идроқи ҳосилдорликни ошириш йўлига сарф этилди, қалб кўрини, биллак кучини ҳосилни мўл-кўл қилишга сарфлади. Ўзи севган, қадрлаган кўни-кўшилари, маҳалла-кўйи фарзандларидан икки юздан ортгани доимий ишли қилди. Уларнинг рўзғори бут бўлганидан шодланди.

Мустақиллик кунига уч кун қолганда эрта тондан телефони жиринглайди,

яқинлар табриклай бошлашади.

– Опа, чин дилимдан табриклайман, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлибсиз!..

– Раҳмат, – дейди опа. – Сизга ҳам шундай мукофотлар насиб қилсин!

– Лола опа, Қаҳрамонликка муносиб эдингиз, муносиб мукофот бўлибди, оиламиз номидан...

– Раҳмат, илоҳим, сизга ҳам бўлсин, – дейди опа.

– Опа, мен Тошкентданман, қўлимда ҳали буюқ ҳиди кетмаган газета турибди, сизга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилибди, суратингиз ҳам босилибди, жуда хурсанд бўлдим, ҳақиқатан ҳам муносибсиз!..

– Эътиборингиз учун ташаккур, раҳмат.

Худди шу дақиқаларда у дала шийпони ёнидаги пахтазорда эди. Узининг ҳам юраги ҳаққираётганини сезд. Хурсандчиликдан бўляпти-да вужуд бесаранжонлиги, қутилмаган бахтдан бўлаёптида, ахир қалб эҳтирослари. Қўлидаги фўза баргининг орқасини кўздан кечириётган эди. Эрта саҳар салқинида ҳашарот баргининг орқасида кўринишини биларди. Йўқ, тоза экан, қилган ишлари зое кетмабди. Биологик усул яхши фойда берибди. Пастки кўсақлар бир текис очилган.

(Давоми 4-саҳифада)



## Жиззах вилояти Фаллаорол туманида томорқа дехқончилигига алоҳида эътибор қаратилади.

Кўйтош шаҳарчасида яшовчи Бахтиёр Эгамқулов ташландиқ ҳолда ётган ерни ободлаштириб, мўъжаз боғ барпо қилган. Бугун ушбу боғда 1000 тупдан зиёд олма ва бошқа мевали дарахтлардан мўл ҳосил олинмоқда. Боғбон бу йил томорқасига яна 200 туп мевали дарахт кўчатлари ўтказди. Бундан ташқари, дарахт қатор ораларида картошка, пиёз, сабзи, помидор, бақлажон ва бошқа сабзавот экинлари етиштирилади.

– Бир неча йилдан буён 1 гектар боғимизда оиламиз билан меҳнат қиламиз, – дейди Б.

Эгамқулов. – Кўрилган фойда уй-рўзгор бўлиғига хизмат қилади. Кўриб турганимиздек, астойдил меҳнат қилса, роҳатини ҳам кўра экан киши. Олдинлари бу жой тошқоқ, қаровсиз ер бўлиб ётарди. Меҳнатимиз туфайли ҳамма ҳавас қиладиган боғқа айланди. Илгари маҳсулотни сақлашга шароитимиз ҳам йўқ эди. Утган йилги ҳосил фойдасидан омборхона барпо қилдик. Энди маҳсулотларимизни сифатли, узок вақт сақлаш имконияти пайдо бўлди.

Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎЗА) олган сурат.

Навоий вилояти

## Молия тизимидаги ислохотлар журналистлар нигоҳида

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими ташаббуси билан Навоий шаҳридаги "Coworking" марказида вилоят Молия бош бошқармаси ҳамда Ҳазначилик бошқармаси ҳамкорлигида "Молия тизими: шаффофлик йўлидаги ислохотлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда Ҳазначилик бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Шукӯров ҳамда Молия бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Азим Тошпўлатов сўзга чиқиб, тизимда олиб борилаётган ишлар, ислохотлар, янгиликлар хусусида маъруза қилди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят Ҳазначилик органларида жами 450 га яқин бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг қарийб 1 триллион сўмлик шартномалари қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган. Соҳа вакиллари томонидан бюджетдан иш ҳақи олувчи ходимларнинг маошлари кечи билан ҳар ойнинг 5 санасига тўлаб берилиши тизимли равишда амалга

оширилмоқда.

– Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилиб келинаётган матбуот анжуманлари ҳам оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳам ташкилот, муассасалар учун айни муддао бўлмоқда, – дейди "Саломатлик" газетаси мухбири Жамолиддин Аҳтамов. – Молия муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган бугунги матбуот анжуманида ҳам

соҳа раҳбарларидан мазкур тармоқдаги изчил ислохотлардан, бюджет кодексининг мазмун-моҳиятидан хабардор бўлдик. Энг муҳими, бу анжуман соҳадаги билимларимизни мустаҳкамлашга замин яратди.

– Молия вазирлиги томонидан "Очиқ бюджет портали" ташкил этилгани фуқароларимизнинг бюджет маблағларини тақсимлашда бевосита иштирок этишларида муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари А. Тошпўлатов. – Хусусан, бугунги кунда openbudget.uz сайтыда рўйхатдан ўтиб, ҳар ким ўз худуди бўйича ижтимоий соҳа объектларида амалга оширилиши лозим бўлган қурилишлар ва бошқа тadbирлар юзасидан таклиф бериши мумкин. Энг кўп овоз олган таклифларни амалга оширишга маҳаллий бюджет маблағлари-



нинг 10 фоизи сарфланади. Мазкур сайт жорий йилда иш бошлаганидан буён 10 мингта таклиф келиб тушган. Хусусан, Зарафшон шаҳри аҳолиси энг кўп таклифлар билан чиққан. Бугунги кунда мазкур лойиҳалар ўрганиб чиқилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар орттирилган бюджет маблағларининг қай тартибда ишлатилаётгани ва нималарга йўналтирилаётгани ва мазкур тармоқ юзасидан уларни қизиқтирган барча саволларга мутасаддилардан атрофича жавоб олдилар.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



Наманган вилояти

Норинлик фермерлар жорий йилни ҳам дастлабки ҳосил бўлган пилладан баракали хирмон кўтариб бошлаган бўлса, муваффақиятларини ғаллачиликда мустақамлаб, айни пайтда юртнинг «оқ олтин» хирмонига салмоқли улуш қўшиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.



“Бўстон”нинг доврўғи

Бу борада уста пахтакорлар замини бўлган Тошлоқ қишлоғи ҳудудда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқлари далаларида амалга оширилаётган ишлар ибратта лойиқдир, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиғи масалалари бўйича ўринбосари Баҳромжон Бўтабоев. Езувчи Саид Аҳмаднинг Фарғона канали қурилиши ҳақида ҳикоя қилувчи “Уфқ” романида мадҳ этилган, доврўғи бутун собиқ Иттифоққа ёйилган кетмончи Дуна Дўсматов айна Тошлоқ қишлоғида таваллуд топган. Ҳамон номлари тиллардан тўшмай келаётган Тамара Мусаева, Жаббор Жўраев, Аҳмаджон Мамамов, Ўқтамжон Асқаров, Юнус Жўраев каби дондор деҳқонлар билан бўстончилик ҳақи равишда фахрланадилар. Аждодлари қўлга қиритган бой тажриба ва ютуқларни йилдан-йилга мустақамлаб бораётган бугунги авлод вакиллари ҳам туманда илғорликни қўлдан бермай келяпти. “Бўстон” ММТП раҳбари, илғор фермер Акрамжон



Мамамов. Тонгда у билан худуддан оқиб ўтувчи Катта Андижон каналининг бўйида учрашдик. Унинг маълумоти беришича, худудда 12 та фермер хўжалиғи бўлиб, жами 1148 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Жорий йилда 452 гектар ердаги ғалладан ўртача 60 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. 696,5 гектар майдондаги пахтазордан камида 40 центнердан ҳосил етиштириш ташаббуси билан чиқишган. Биринчи бўлиб, уста деҳқон, 100 гектар ерда пахта, ғалла етиштиратган, 2

гектар майдонда намунали бог яратган, балиқчиликни йўлга қўйган “Гавҳарой Соҳибобону” фермер хўжалиғи раҳбари Мавлонбой Мансуров билан кўришдик. Ғўза тулларида очилган оппоқ чоноқларни кўриб, кайфиятимиз янада кўтарилди. Бу йилги хирмоннинг янада баракали бўлишини тиладик. “Мангу Турсун Юлдуз Ойлар” фермер хўжалиғи етакчиси Мўйдинбой Тулаков ҳам соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган, ишонинг кўзини билдирганлардан. Тадбиркорлиги оғир тўла донидан, файзли


даласидан, йилига баракали даромад келтираётган 1 гектар майдондаги лимонлар барқ уриб турган иссиқхонасидан ҳам кўриниб турибди. У соҳага катта эътибор бериб, фермерларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган давлатимиз раҳбариятидан миннатдор эканлигини изҳор қилди. Фермер Авлиёр Бойматов ҳам узоқ йиллар вилоят иқтисодиёти ривожига йўлида хизмати сингган тажрибали иқтисодчи. У фахрийлар сафига қўшилганидан сўнг ҳам тиниб-тинчимасди. “Бойматова Донахон” фермер хўжалиғи бошқарувини қўлга олди, 5 гектар майдонда бог ташкил қилиб, балиқчиликни йўлга қўйди. Жорий йилда 56 гектар майдондаги ғаллазордан 60 центнердан ошириб хирмон кўтарди. – Насиб қилса, пахтачиликда ҳам юқори ҳосилдорликка эришамиз, – дейди баравж ғўза ниҳолларига ишора қилиб Авлиёр ака. Чиллаки-чиллакни кўриб ранг олади, деганларидек, Тўйчибек Маҳмадҷонов

бошлиқ “Маҳмадҷон ўғли Тўйчибек” фермер хўжалиғида ҳам бу йил 51 гектар ердаги ғалладан 65 центнердан хирмон кўтарилди. 48 гектардаги пахтазор баракали ҳосилдан далолат бериб турибди. Ярим гектардан зиёд майдондаги лимонзор ҳам ҳар йили хўжалик иқтисодиғига катта фойда келтирмоқда. Фарҳод Абдуллоев, Абдуқодир Бойматов, Қажрамон Ҳайиталиев, Зоҳиджон Ғофуровлар етакчи бўлган “Отажон ота саховати”, “Тошлоқ орзулари”, “Тўқмоқ барака”, “Тошлоқлик Маҳмадиёр” фермер хўжалиқларида ҳам барча соҳаларда ишлар ўрганса, ҳаётга татбиқ этса арзигулик даражада олиб борилаётир. Яхё Умаров бош бўлган “Бўстонлик сарвинос” фермер хўжалиғи ўзининг соф даромади ҳисобидан қишлоқ аҳолиси ва ёшлари учун кутубхона қуриб, фойдаланишга топширди. “Бўстон ниҳоли” фермер хўжалиғи етакчиси Юлдузжон Ҳасанова эса айни кунларда 5 дона чет элда ишлаб чиқарилган замонавий тикув машинасини харид қилди. Мақсади, Тошлоқда чевархона ташкил этиб, 10 нафар хотин-қизни ишли қилишидир. Равайнбек МИРЗАОЛИМОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

Яқинда пойтахтдаги гавжум бозорлардан бирини айланиб юрсам, бир йилгит йўлнинг ўртасига бўрининг терисини тўшаб, жониворнинг тишиқ тирноқларининг “илоҳий” ҳосиятлари тўғрисида қизиқиб тўхтаганларга маъруза ўқияпти. Унинг иддаосига кўра, бўрининг тиши, тирноғи ёки баъзи бир жойлари тумор қилиб тақиб юрилса, омад ўз-ўзидан келавараркан...

“Пичоқнинг сопи кийикнинг шохидан”

Элчилик деганидек лўли сотувчининг рекламаси иш бериб, кимлардир бўрининг тиши ва тирноқларига харидор бўла бошлади. Кўнглимдан шу кетишда бўриларга қирон келади, раҳматли қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг шу мавзудаги хангомаси ҳақиқатан ҳаётдан олинганда, деган ўй ўтди. Расталар оралаб юракканман бир-биридан ажойиб қилиб ясалган пичоқларга кўзим тушди. Сотувчи “Ака мана шу пичоқни кўринг, ҳақиқий пўлатдан ясалган. Сопи кийикнинг шохидан.” дея пичоқини мақтаётди. Тўғри, дунёдаги барча нарсалар инсоният учун яралган. Аммо уни асрамансақ, келгуси авлодларга биздан нима қолади? Одамларнинг ваҳшийлиғи очкўзлиги натижасида жуда қўллаб ҳайвонот ва наботот турлари йўқолиб кетди. Озгина қолганлари қизил китобга киритилиб, кўпайтириш учун сим тиканлар орқасида қўриқланяпти. Улар гўёки фарзанда меҳр бергандек парвариш қилиняпти. Гарчи шундай бўлсада, айрим нафси бузуқ инсонлар табиатнинг беозор жониворларига қирон келтириш билан овора. Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси инспекторлари томонидан Мўйқоқ тумани “Қозоқдарё” овул фуқаролар йиғини худудида 13 та кийикни ноқонуний овлаган браконьерлар қўлга олинди. Мақур қўмитанинг жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш бўлимидан хабар қилинишича, навбатдаги рейд текширувлари давомида инспекторлар М.Рисназаров, Д.Қаллибеков ва А.Қалимбетовлар томонидан тунги соат 03.00 “Ақшадарё” коллекторининг тугаш томонида “УАЗ-469” русумли давлат рақами 95 V 654 DA билан автомашина тўхталиб текширилганида автомашина ичида 13 та кийик ва 2 та ов милтиғи борлиги аниқланди.



Суриштирув давомида кийикларни Тахтакўпри туманида яшовчи Б.Т., Г.П., Т.М., Т.М. ва А.П.лар овлаганлиги аниқланди. Натижада ушбу фуқароларнинг табиатга келтирган зарари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги қарори иловасига мувофиқ 144 миллион 950 минг сўм миқдорда жарима белгиланди. Очигини айтганда, жарима қўллаш билан бундай қонунбузарликларни бартараф қилиб бўлмайди. Қонунчиликда жазо чораларини кучайтириш керак. Ана шундангина келгуси авлодлар табиат инъомларидан баҳраманд бўлади. Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ

Эълонлар

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ПСУЕАИТИ) 2020 йил учун қўйидаги ихтисосликлар бўйича таянч докторантурада (PhD) ўқишга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Умумий деҳқончилик. Пахтачилик
2. Мелиорация ва сўғорма деҳқончилик
3. Агрокимё
4. Усимликшunosлик
5. Селекция ва уруғчилик
Таянч докторантурада (PhD) ўқишга талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
- ариза;
- йўлланма хат;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати;
- илмий ишлар нусхалари;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар сони битта, илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарларни илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида 2 та) рўйхати ва уларнинг нусхалари;

2020 йил учун қўйидаги ихтисосликлар бўйича докторантурада (DSc) ўқишга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Умумий деҳқончилик. Пахтачилик
2. Агрокимё
3. Селекция ва уруғчилик
4. Усимликшunosлик
Докторантурада (DSc) ўқишга талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
- ариза;
- йўлланма хат;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;
- илмий даража;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар сони учта, илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарларни илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида 2 та) рўйхати ва уларнинг нусхалари;
КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ Қўйидаги фанлардан ОЛИНАДИ:
Таянч докторантурага (PhD) Танланган ихтисослик бўйича ва чет тили.
Докторантурага (DSc) Суҳбат натижалари асосида
Ҳужжатлар 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.
Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани Оққоқов қ.ф.й. ПСУЕАИТИ

“AUTO BEST AUCTION” МЧЖ очик аукцион савдога таклиф этади
Аукцион савдога АТБ “Савдогар” Банкининг 2019 йил 19 сентябрдаги 272-шт буйругига асосан 2015 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 079 ҚВА бўлган Chevrolet Cobalt русумли автомашинаси қўйилади, бошланғич баҳоси 52 282 000 сўм.
Аукцион савдо 2019 йил 25 октябрда бўлиб ўтади.
Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилинади. Қабул вақти соат 10:00 дан 15:00 гача.
Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй. Тел: +99897-463-94-64. “Auto Best Auction” МЧЖ

Хурматли тадбиркорлар ва сармомдорлар диққатига! “КО`СНМАС MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 20 сентябрдаги 856-сонли буюртманомасига асосан қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:
1. Сирдарё вилояти Ширин туманида жойлашган, умумий майдони 5891 кв.метр, қурилиш ости майдони 879,8 кв.метр, 7 та литердан иборат бўлган 1 қаватли “Ширин деҳқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 515 783 000 сўм.
Аукцион савдоси 2019 йил 11 октябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
Юқоридаги мулк 2019 йил 11 октябрь кунини сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 16, 21 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
– жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг ҳужжатнинг нусхаси.
Савдо солиғига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.
Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширувга қадар тўлашлари шарт.
Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (91)797-71-17, (93) 534-05-00. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru
Лицензия RR-0001.

Хурматли тадбиркорлар ва сармомдорлар диққатига! “КО`СНМАС MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 20 сентябрдаги 855-сонли буюртманомасига асосан такроран қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда.
1. Жиззах вилояти Мирзачўл туманида жойлашган, умумий майдони 5700 кв.метр, қурилиш ости майдони 515,77 кв.метр, 7 та литердан иборат бўлган 1 қаватли “Мирзачўл деҳқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 556 884 000 сўм.
Аукцион савдоси 2019 йил 2 октябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
Юқоридаги кўчмас мулк мuddатли бўлиб тўлаш шарти билан 5 (беш) банк иш кунини ичида сотувчи билан тегишли мулкнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги суммани тўлаб бериш ва қолган 85 фоиздан иборат суммани кўпи билан 5 йил мuddатта белгиланган жадал асосида ойма-ой бўлиб-бўлиб тўлаб бериш шартини асосида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади, шунингдек, 2019 йил 2 октябрь кунини сотилмаган тақдирда 2019 йилнинг 31 декабрига қадар ҳафтанинг ҳар сешанба кунини соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
– жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг ҳужжатнинг нусхаси.
Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширувга қадар тўлашлари шарт.
Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел:(91)797-71-17, (93)534-05-00. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.
Лицензия RR-0001.

